

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12. 2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

ИСМОИЛОВ ОЛИМЖОН ЮСУПЖОН ЎҒЛИ

**КОРРУПЦИОН ЙЎНАЛИШДАГИ ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЛАРНИ
ФОШ ЭТИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримдик фанлар)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Исмоилов Олимжон Юсупжон ўғли

Коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни фош этиш усулларини
такомиллаштириш.....3

Исмоилов Олимжон Юсупжон угли

Совершенствование методов выявления латентных преступлений
коррупционной направленности.....29

Ismoilov Olimjon Yusupjon o`g`li

Improving methods for detecting latent crimes of corruption.....52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published scientific works.....56

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12. 2020.Үа.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

ИСМОИЛОВ ОЛИМЖОН ЮСУПЖОН ЎҒЛИ

**КОРРУПЦИОН ЙЎНАЛИШДАГИ ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ
ЭТИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримдик фанлар бўйича)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В 2021.1. PhD/Үу520 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Вахобжон
юридик фанлар доктори,
профессор

Расмий оппонентлар:

Ахроров Баҳром Жаббарович
юридик фанлар доктори, профессор
Кабиллов Шарифжон Рахимович
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат юридик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ҳузуридаги DSc.31/31.12.2020.Үу.67.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «хх» хххххххх соат 15⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил 16 декабрь куни тарқатилди.

(2022 йил 16 декабрдаги 19-рақамли реестр баённомаси).

Б.Х.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Л.Х.Исоқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ф.Х.Рахимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда коррупцияга, шунингдек, унинг латент таркибий қисмига қарши курашиш ҳар қандай давлат сиёсатининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳадаги устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Давом этаётган глобаллашув жараёнлари, жаҳон иқтисодиётининг шаклланиши коррупцияни халқаро даражага олиб чиқди ва у «замонавий йиртқич ҳайвон»га айланди. Халқаро нодавлат ташкилот «Transparency International» маълумотларига кўра, маълум ютуқларга қарамай, аксарият мамлакатлар ҳали ҳам коррупцияга қарши самарали кураша олмаяпти¹. Шу билан бирга, 180 та давлатда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, экспертлар баҳоси ва тадбиркорлар сўровномаларига кўра, давлат секторида коррупцияни идрок этишнинг ўртача даражаси тавсия этилган 50 балл ўрнига атиги 43 баллни ташкил этмоқда.

Дунёда турли соҳадаги олимлар томонидан ҳар йили ижтимоий ҳодиса сифатида коррупцияга қарши курашиш соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилади, унга қарши курашиш усуллари ишлаб чиқилади, ижобий амалиётларни жорий этишга интиладилар. Бироқ, дунё экспертлар ҳамжамияти бу ҳодисага қарши муваффақиятли курашнинг асосий омили сифатида яхши шаклланган ва самарали фаолият кўрсатаётган қонунчилик базаси, шунингдек унинг юқори латентлигидан келиб чиқиб, ҳақиқий ҳажми, даражаси ва ривожланиш динамикаси тўғрисида ишончли маълумотларга эга бўлиш, деб ҳисоблашмоқда. Шунинг учун ҳам бу муаммони жамиятдаги салбий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўрганиш айниқса долзарбдир.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш ва унинг оқибатларини олдини олиш бўйича тизимли чора-тадбирлар изчил амалга оширилиб келинмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 84-мақсадида «Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш»² каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса жамиятда коррупциянинг барча кўринишларини олдини олиш, унинг яширин, латент турларини аниқлаш ва уларга қарши самарали курашиш усулларини такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПҚ-4761-сон «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш

¹ Электрон манба: <https://www.transparency.org>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон Фармонида 1-илова // www.lex.uz.

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари қоида-талабларини янада такомиллаштириш, ижросини таъминлаш ва давлат коррупцияга қарши кураш сиёсатининг ташкилий-ҳуқуқий механизминини самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.»Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий-технологик такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда коррупция жиноятлари алоҳида ёки умумий жиноятлар доирасида К.Р.Абдурасулова, Б.Д.Ахраров, Б.Х.Пўлатов, Б.И.Исмоилов, Р.А.Зуфаров, Р.Г.Маликова, А.Х.Саттаров, К.Тожибоев, Ю.С.Пўлатов, Ш.Р.Кабулов, М.Х.Сулаймонов, М.Х.Рустамбоев, М.А.Раджабов ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритиб ўтилган. Бироқ, латент жиноятчилик фақатгина умумий жиноятларнинг таркибий қисми сифатида У.Тожихонов, И.Исмоилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фозилов ва бошқаларнинг илмий ишларида қисман ёритилган.

Хорижий мамлакатларда коррупция кўринишларининг пайдо бўлиши ва ўсиши сабабларини Friedrich C.J. (Германия), Shekkey L. (США), Karen Katz (Канада), Dinsha Mistree (Великобритания), Rose-Ackerman (США), Bussell J. (США), Б.В. Волженкин, А.В. Купратаева, В.В. Лунеев, В.А. Авдеев, Л.В. Михайлов, Э.С. Шимшилов, Г.Н. Миронова, В.Б. Комаров (Россия) каби олимларнинг илмий тадқиқотларида келтириб ўтилган.

Хорижий мамлакатларда латент жиноятчилик муаммосини ўрганиш XIX-аср бошларида А.Ж.Кетле, Э.Ферри, Ф.Захаревич тадқиқотларида ёритила бошлаган бўлса, МДХ мамлакатларида мазкур муаммони тадқиқ этиш XX-асрнинг 60-йилларида бошланган. Хусусан, Р.З.Акутаев, В.В.Лунеев, С.М.Иншаков, А.Роши, Х.Д.Аликперов, Г.И.Забрянский, А.А.Конев, В.В.Панкратов, А.С.Шляпочников, Н.В.Сазонова, П.А.Кривенцев, М.И.Ковалев, А.П. Исиченко³ ва бошқаларнинг тадқиқотлари латент жиноятчиликни юзага келиш сабаблари, шароитлари ва уни баҳолаш масалаларига бағишланган.

Юқоридаги илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, коррупцион

³ Муаллифларнинг мавзуга тегишли тадқиқотлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган

йўналишдаги латент жиноятлар ва уларнинг юзага келишидаги ўзига хос ижтимоий-психологик муҳит, мазкур турдаги жиноятлар кўламини ўлчаш, миқдорини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, халқаро институтлар тавсияларини ва бошқа хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларини татбиқ этган ҳолда мамлакатимизда мазкур муаммонинг ечимига йўналтирилган алоҳида тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни фош этиш усулларини такомиллаштириш» масалалари доирасида амалга оширилган (2020-2022).

Тадқиқотнинг мақсади коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни фош этиш усулларини такомиллаштириш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

латент жиноят, коррупция ҳамда коррупцион йўналишдаги латент жиноят тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш;

коррупцион жиноятларнинг юқори латентлик сабабларини, уларни фош этишни қийинлаштирувчи омилларни таҳлил қилиш;

коррупцион йўналишдаги латент жиноятларнинг юзага келишига сабаб бўладиган омилларни, жумладан, ижтимоий-психологик муҳитнинг ўзига хос ҳолатларини очиб бериш;

хорижий мамлакатларда коррупцион йўналишдаги латент жиноятларга қарши курашиш хусусиятларини ушбу давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар кўламини ҳудудий бирликлар кесимида қиёсий ўлчаш усулларини географик-ахборот тизимларини (ГАТ) қўллаш асосида такомиллаштириш;

коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни аналогия усулида (объект ва контингентда) баҳолаш ва уларни юзага келишига сабаб бўлувчи ўзига хос омилларни аниқлаш;

маълум жамоадаги коррупция ва унинг юқори латентлигига ижтимоий-психологик муҳитнинг таъсирини социологик усулларда аниқлаш;

коррупцион йўналишдаги латент жиноятчилик кўламини минималлаштириш, унга қарши курашишнинг миллий норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини коррупцион йўналишдаги латент жиноятларга қарши курашни ташкил этиш тизими билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети коррупцион йўналишдаги жиноятларга қарши курашга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, чет эл қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг мантикий (анализ, синтез), тизим-таркиб, қиёсий-статистик, кузатиш, умумлаштириш, ГАТ технологиясини қўллаш, шунингдек, социологик сўровлар ўтказиш, жиноят иши материалларини таҳлилий ўрганиб чиқиш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

латент ҳодиса сифатида коррупция қўламини ўлчаш қийинлигини эътиборга олиб, маълумотларни сақлаш, таҳлил қилиш ва кўрсатиш имконини берувчи ГАТ технологияларидан фойдаланиш асосида такомиллаштирилган қиёсий-статистик метод ёрдамида коррупцияни ҳудудий бирликларда ўлчаш мумкинлиги асослантилди;

коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро тажриба асосида давлат хизматлари кўрсатишда бюрократик тартиб-қоидаларни соддалаштириш, «ягона дарча» тамойилини янада ривожлантириш, амалдорларнинг иммунитетларни бекор қилиш, уларнинг яқин қариндошлари учун ҳам йиллик даромадлар, харажатлар, мол-мулки ва қарзлар учун декларация тўлдириш амалиётини жорий этиш зарурлиги асослантилди;

коррупцион йўналишдаги латент жиноятларнинг пайдо бўлишига ижтимоий-психологик муҳитнинг турлича (ижобий-салбий) таъсири, шунингдек, салбий ижтимоий-психологик муҳитни мазкур жиноятлар қўламини ортишига қулай замин яратишни эътиборга олиб, бу турдаги жиноятларни оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ёрдамида, кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, унга қарши курашнинг самарали усулларидан бири эканлиги асосланди;

ўхшаш типдаги маъмурий бирликларда ва маълум жамоада коррупцион йўналишдаги латент жиноятларнинг маъмурий аналогия усулида ҳуқуқий баҳолаш механизми ишлаб чиқилди ва бу усулда криминоген вазият энг кам эҳтимоли хатолар билан Тошкент вилояти туман ва шаҳарлари, олий таълим муассасалари ва назорат қилувчи органлар мисолида аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жиноий статистик маълумотларни сақлаш, таҳлил қилиш ва кўрсатиш имконини берувчи ГАТ технологияларидан фойдаланиб, коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни аниқлашдаги қиёсий-статистик метод такомиллаштирилган, коррупцияни ҳудудий бирликларда ўлчаш имконияти яратилган;

халқаро тажриба асосида давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, «ягона дарча» тамойилини ривожлантириш, амалдорларнинг яқин қариндошлари учун ҳам йиллик даромадлар, харажатлар, мол-мулки ва қарзлар учун декларация тўлдириш амалиётини жорий этиш зарурлиги каби таклифлар ишлаб чиқилган;

коррупцион йўналишдаги латент жиноятларнинг пайдо бўлишига ижтимоий-психологик муҳитнинг салбий таъсирини эътиборга олиб, бу турдаги жиноятларни оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ёрдамида, кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, унга қарши курашнинг самарали усулларидан бири эканлиги асослантилган;

худудий-маъмурий бирликларда коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар маъмурий аналогия усулида аниқланган, Тошкент вилояти туман ва шаҳарларида криминоген вазият энг кам эҳтимолий хатоликлар билан баҳоланган, интрактив хариталар ишлаб чиқилган;

социологик тадқиқотлар асосида меҳнат жамоаларида коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни минималлаштириш, унга қарши кураш усуллари тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўзаро таҳлил қилингани, ҳуқуқий-статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижаларини умумлаштириш шаклида социологик тадқиқотлар билан амалий боғлангани, хулоса, таклиф ва тавсиялар синовдан ўтказилгани, натижалар етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланиб, амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан, ишлаб чиқилган илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда фойдаланиш, амалдаги жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар, шунингдек, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, криминология каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан бойитади.

Шунингдек, тадқиқот натижаларидан коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни аниқлашнинг процессуал хусусиятларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича янги илмий тадқиқотлар олиб боришда, жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи статистикаси, криминология каби фанлардан маъруза, семинар ва амалий машғулотлар тайёрлаш, ўқув-методик қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни аниқлаш усуллари такомиллаштириш йўналишидаги тадқиқотларнинг илмий натижалари асосида:

коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар қўламини, маълумотларни сақлаш, таҳлил қилиш ва кўрсатиш имконини берувчи ГАТ технологияларини қўллаш асосида такомиллаштирилган қиёсий-статистик усул ёрдамида худудий бирликлар доирасида ўлчаш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги ЎРҚ-617-сон «Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигини 2021 йил 30 ноябрдаги 11/12-2/1634 вх-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши мазкур турдаги жиноятлар масштаби, тарқалиши ва сабаблари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ маълумотларни билиш асосида жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини муҳофаза қилиш имконини кучайтиради;

коррупция соҳасидаги жиноятлар таҳлили ва халқаро тажриба асосида давлат хизматчилари ва уларнинг яқин қариндошлари учун даромадлар, харажатлар, мол-мулки ва қарзлар учун декларация қилиш тартибини жорий этиш зарурлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257 сонли «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупцион омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ўз ифодасини топди (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини 2021 йил 30 ноябрдаги 11/12-2/1634 вх-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши коррупцион жиноятларни минималлаштириш ва огоҳлантириш, мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилиш ва уларни ҳисобга олинмаган ёки ноқонуний даромадларини аниқлаш соҳасида ижобий самара берди;

коррупцион йўналишдаги латент жиноятларнинг пайдо бўлиши ва кўламини ортишига ижтимоий-психологик муҳитнинг салбий таъсири қулай замин яратишни эътиборга олиб, бу турдаги жиноятларни ОАВ ёрдамида, кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш зарурлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги «Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 565-сонли Қарори билан тасдиқланган «Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 12/21-45вх-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши аҳолининг коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар ва уларнинг келиб чиқишида ижтимоий-психологик омилни ўрни ҳақидаги тушунчаларини кенгайтирди, ҳуқуқий онг ва саводхонлигини кўтарилишига олиб келган;

ўхшаш типдаги маъмурий бирликлар ва меҳнат жамоаларида коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни баҳолашнинг энг кам эҳтимолий хатолар билан аниқлаш имконини берувчи маъмурий аналогия усулидан фойдаланиш таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-658-сон Қонунни қабул қилишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини 2021 йил 30 ноябрдаги 11/12-2/1634 вх-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши ҳудудий бирликларда криминоген вазиятни ҳамда коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар миқдорини қиёсий ўлчаш, огоҳлантириш ҳамда расмий статистик маълумотлар ҳаққонийлигини текшириш, ёлғон ахборот тарқатишни олдини олиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, хусусан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, хорижий нашрларда 2 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **«Коррупцион йўналишдаги латент жиноятларнинг ҳуқуқий табиати ва унинг жиноят таркибидаги ўрни»** деб номланган биринчи бобида латент жиноят тушунчаси, турлари ва моҳияти ҳамда унинг жамият учун энг хатарли турларидан бири сифатида коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар ҳақида фикр юритилган.

Фаннинг турли соҳаларида ишлатиладиган «латент» (latens, latentis) тушунчаси латин тилидан олинган бўлиб, яширин, кўринмайдиган, ташқи томонидан билинмайдиган деган маънода ишлатилади. Юридик фанда латент тушунчаси ҳақиқатда содир этилган, лекин турли сабабларга кўра номаълум, яширин бўлиб қолган жиноятларни ифодалашда ишлатилиб келинади. Бироқ, шу кунга қадар «латент жиноятчилик» тушунчаси бўйича хорижий ва маҳаллий мутахассислар ўртасида ягона фикр йўқ. Ваҳоланки, методологик жиҳатдан илмий тадқиқотни тўғри ташкил этиш учун бир-бири билан боғлиқ бўлган учта масалани ҳал қилиш талаб этилади: тушунчага тўғри таъриф бериш, асосий белгиларини аниқлаш ва таснифлаш, яъни турларини белгилаш.

Кўпчилик мутахассислар латент жиноят деганда - амалдаги жиноятчиликни давлат органлари томонидан ҳисобга кўйилмаган қисмини тушуниш кераклигини таъкидлайдилар. Бундай ёндашувда жиноятларнинг

«латент» ёки «латент эмас» деб ажратишга асос, у ҳақида жиноятларнинг рўйхатга олиш тизимида маълумот бор ёки йўқлигида деб кўрсатиш мумкин эди. Бироқ, мамлакатимизда 2018 йилдан бошлаб латент жиноятларни ҳам рўйхатга олиш бошланган⁴. Шу ўринда латент жиноятларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тасдиқланган Йўриқномада берилган расмий таърифда ҳам унинг асосий хусусиятлари очиб берилганлигини қайд этиш мумкин.

Бизнингча, мазкур таърифга латент жиноятларнинг содир этилган жойи яъни «жиноят жойи» (масалан, аниқ, тайинли бир давлат ёки унинг маъмурий бирликлари) ҳақида маълумотни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, рўйхатга олиш тизими ҳудудий тамойил асосида ташкил этилади. Жиноятлар ҳам шубҳасиз маълум ҳудудда содир этилади. Шунинг учун, латент жиноят деб « муайян давлатнинг ваколатли органларига маълум бўлмаган, маълум бўлсада ғаразли мақсадда рўйхатдан яширилган, илгари рўйхатга олинмаган ёки рўйхатга олинсада, нотўғри квалификация қилиш натижасида жиноят деб топилмаган, жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган ижтимоий хавфли қилмиш»га айтилади, деб таъриф бериш мумкин.

Латент жиноятларнинг ҳозирги кунда кўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилган ва амалиётда қўлланадиган таснифига кўра латент жиноятлар шаклланиш механизмига кўра қуйидагиларга бўлинади:

1) табиий-латент жиноятчилик (жиноят содир этилиш факти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига номаълум бўлган ҳолатлар мажмуи);

2) сунъий-латент жиноятчилик (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари содир этилган жиноят тўғрисида маълумотга эга бўлсада, уни рўйхатга олмайдилар);

3) чегаравий вазиятдаги латентлик (жиноят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига маълум бўлади, лекин малака етишмаслиги туфайли унга нотўғри ҳуқуқий баҳо берилиб, жиноят сифатида рўйхатга қўйилмайди.

Латент жиноятлар жиноят тоифалари (иқтисодий, АКТ соҳасида, табиатни муҳофаза қилиш ва б.) бўйича таснифласа энг катта гуруҳни мазкур тадқиқот учун асос бўлган коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар ташкил этади.

Коррупция атамаси (лотинча *corrumpere*) – «пора бериб сотиб олмоқ» деган маънони билдириб, юридик адабиётларда ушбу атаманинг кўплаб замонавий талқинлари мавжуд. (Кабулов, 2011) Бу ҳақда Г.В.Нурмухамедова ўзининг диссертация тадқиқотида батафсил тўхталган. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонунчиликда ифодаланган талқинлар ҳамда соҳадаги мутахассислар фикрини жамлаган ҳолда коррупцияга энг тўлақонли таъриф беради. Биз бу тарифга қўшилгин ҳолда уни ҳам «жиноят жойи» ни англаувчи «маълум ҳудудий бирлик доирасида» доирасида (мамлакат,

⁴ «Электрон жинойий-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисида»ги Кўшма Буйруқ, утвржден приказами Генерального прокурора, Председателя Верховного суда, главами СГБ, МВД, Таможенного комитета от 30 декабря 2018 года за № ҚК-83, 08/УМ-706-18, 1, 84, 01-02/22-77.

мнтақа, вилоят, туман) деган сўзлар билан кенгайтиришни таклиф этдик. Сабаби, биринчидан, ҳар қандай жиноят каби коррупцион жиноятлар ҳам маълум ҳудудда содир этилади ва унинг салбий таъсири аввало мазкур ҳудуд учун тегишли бўлади; иккинчидан, жаҳон бўйича юритиладиган жиноий статистика, ҳалқаро ташкилотларнинг ҳисоботлари (масалан, «Transparency International») маълумотлари дастлаб маълум ҳудудий бирлик (давлатлар) доирасида олиб борилиб сўнг умумлаштирилади; учинчидан, аксарият тадқиқотларда амалга ошириш режалаштирилаётган коррупцион ва коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни ўлчаш, баҳолаш, қиёслаш ва таққослаш ишларида объект сифатида ҳудудий бирликлар (давлат, вилоят, туман) танлаб олинади.

Тадқиқот асосида коррупция йўналишидаги содир этилган жиноятларнинг юқори латентлигини таъминлайдиган жиҳатлар борлиги аниқланди. Латентлик даражаси энг юқори бўлган коррупцион жиноятлардан пора олиш ва беришда бу кўрсаткич мос равишда 1 га 75 ни ташкил этади яъни, пора олиш шаклида рўйхатга олинган ҳар бир жиноят учун ҳуқуқ-тартибот идораларида ҳисобга олинмаган 75 та жиноят тўғри келади.

Коррупцион йўналишдаги латент жиноятларга қарши курашнинг стратегик йўналишини белгилашда унинг қўламини ўлчаш, ҳақиқий миқдорини аниқлаш ва таққослаш ҳамда фош этиш (ошкор) усулларини такомиллаштириш жуда муҳимдир. Чунки, қўламини ва миқдори аниқланган жиноятларга қарши уларни фош этиш учун куч ва воситаларни тўғри режалаштириш имконияти яратилади. Бунинг учун тадқиқотда муаллиф томонидан такомиллаштирилган учта умумий баҳолаш усули таклиф қилинди.

Дастлаб, жиноятларини «содир этилган жойи» бўйича яъни статистик рўйхатга қўйилган жойи бўйича, ГАТ технологиясидан фойдаланиб қиёсий-статистик усул ёрдамида баҳоланди. Қўлланилаётган «ArcGis 10.3» дастури йиғилган маълумотлар банкини тахлили асосида умумий кириминоген вазият, коррупция билан боғлиқ жиноятлар, латент ва сунъий латент жиноятлар ҳақидаги қуйдаги маълумотларни олиш имконини беради: жиноятлар миқдорини ойлик, олти ойлик, йиллик динамикасини аниқлаш; экстрополяция усулида башоратлаш; автоматлаштирилган ҳолда хариталаштириш; районлаштириш асосида жиноятлар тарқалишини жуда юқори, юқори, ўртача, паст, жуда паст ҳудудларни (туман, шаҳар, вилоят) аниқлаш.

Иккинчи босқичда, умумий жиноятларни, шунингдек, коррупцион йўналишдаги жиноятларни латентлик даражасини батафсил ўрганиш ва асосий муаммоли маъмурий бирликлар (туман ва шаҳарларни) кўрсаткичларини текшириш учун, ҳудуднинг типологиясини эътиборга олувчи маъмурий аналогия усули қўлланилди. Бу усулнинг моҳияти ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ўзаро ўхшаш бўлган бирликларнинг жиноятчилик бўйича кўрсаткичлари таққосланади. Коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар миқдорига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлардан маъмурий бирликларнинг аҳоли сони ва бандлиги

географик ўрни (марказий, провинция, периферия, чегара худуди), иқтисодий ривожланиш даражаси, бозор ва ижтимоий инфраструктура ривожланганлиги каби кўрсаткичлар асосида типология ўтказилади. Бир типга кирувчи маъмурий бирликлардан бирида жиноятчилик кўрсаткичлари кескин пасайган, аномал ҳолат кузатилса, бу бирликлар ўзаро солиштирилади. Бунда бир номаълум қатнашган тенгламадан фойдаланиш таклиф этилади.

Охирги босқич алоҳида танлаб олинган меҳнат жамоаларида коррупция даражасини баҳолаш маълум контингентда (талабалар, ҳайдовчилар, тадбиркорлар) ўтказилган социологик сўровномалар асосида амалга оширилди. Ўтказилган сўровнома натижалари асосида ҳар бир меҳнат жамоасида коррупцияга қарши тадбирларнинг самарадорлигини қиёсий баҳолаш имконияти ҳам яратилади. Сўровнома тузишда жамоаларда коррупцион жиноятларга қарши курашнинг асосий воситаларидан бири сифатида фуқаролар ҳуқуқий онгини кўтариш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ва уларнинг таъсирчанлигини баҳолашга имкон берувчи саволлар киритилди. Саволлар таҳлили ўрганилаётган меҳнат жамоасида коррупциянинг даражасини, у латент ҳолда пинҳона, илтимосчилар талабига кўра юзага келадими ёки оммавий тарзда ҳамма учун одатий ҳолга айланганлигини аниқлаш имконини берди. Бу усулларни қўллаш навбатдаги бобда Тошкент вилояти мисолида кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **«Коррупцион йўналишдаги латент жиноятчиликнинг ҳозирги ҳолати»** номли иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасида кенг кўламли ислохотларнинг амалга оширилиши коррупцияга оид жиноятлар динамикасига сезиларли таъсир кўрсатганлиги қайд этилган. Хусусан, 2017-йилда мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан 3013 нафар мансабдор шахсга нисбатан 2076 та жиноят иши қўзғатилган. Бу кўрсаткич 2018-йилда 1469 та жиноят иши бўйича 2066 нафар, 2019-йилда 994 та жиноят иши бўйича 1520 нафар, 2020-йилда 1502 та жиноят иши бўйича 2270 нафар, 2021 йилда 2345 та жиноят иши бўйича 2804 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят ишини ташкил этган.

Бу ислохотлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги обрўсига ижобий таъсир кўрсатди. *Transparency International* халқаро ноҳукумат коррупцияга қарши ташкилотининг коррупция индексига кўра, Ўзбекистон 2016-йилда 176 давлат орасида 151-ўринни, 2020-йилда эса коррупцияни идрок этиш индексини 7 поғонага яхшилаган ҳолда 180 давлат орасида 146-ўринни, 2021 йилда 6 поғонага яхшилаган ҳолда 140 ўринни эгаллади.

Республикада аҳоли сонининг ўсишига ва бошқа ижтимоий омилларга боғлиқ равишда ижтимоий ҳодиса сифатида жиноятлар умумий сонининг ҳам ошиб бориши тушунарли ҳолат. Бироқ, бу жараёнда коррупцион жиноятларни кўпроқ ўсиши кузатилмоқда. Бу жойда юқорида айтилган **қиёсий-статистик усул ёрдамида таҳлил қилинса**, 2018-2021 йилларда коррупцион йўналишдаги жиноятлардан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш кўрсаткичи ўртача 8,77 фоизга, мансаб

сохтакорлиги 12,65 фоизга, пора олиш 6,98 фоизга, пора бериш 7,05 фоизга ошганлиги кўринади. Афсуски, мазкур жараёнда жиноятларнинг латентлик даражасини ҳам ўсиб бориши хатарли тус олмоқда. Латент жиноятлар сони 2018 йилда 3256 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда 3975 та, 2020 йилда 4500 та 2021 йилда эса 10737 тани ташкил этган⁵. Бу расмий статистика асосида қилинган таҳлил, унда фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан латент жиноят сифатида кечиктириб аниқланган ва рўйхатга олинган жиноятлар кўрсатилган. Ушбу расмий статистика ҳам жиноятчиликка қарши кураш тизимида самарадорликни пастлигини кўрсатмоқда. Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга умуман маълум бўлмаган жиноятлар ҳам борлигини ҳисобга олинса, ушбу йўналишдаги муаммолар кўлами яққол кўзга ташланади.

Республикамиздаги коррупция билан боғлиқ жиноятлардан пора олиш (110) ва пора бериш (111) ҳамда жами латент жиноятлар сони бўйича экстрополяция усулида прогноз қилинди. Агар 2018 йил базавий кўрсаткич сифатида олинса, умумий латент жиноятлар миқдори 3256 тадан 2025 йилда 8873 тага, 2025 йилда эса 9023 тага ортиши мумкинлиги аниқланди. Шунингдек, пора олиш 2018 йилдаги 211 тадан 2022 ва 2025 йилларда йилда 158 тага камайиши, пора бериш эса 980 тадан 2022 йилда 1433 тага, 2025 йилда эса 1401 тага ортиши прогноз қилинди. Бундай тахлилий прогнозлар ГАТ маълумотлар базасидан фойдаланиб вилоятлар ҳамда маъмурий туманлар доирасида ўтказилиши мумкин.

Мазкур ҳолатни сабаблари сифатида қонунчилик тизимидаги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги камчиликларни, фуқаролар ҳуқуқий онг ва маданиятидаги бўшлиқларни, жиноятчиларни профессионал ва касбий маҳорати ортганлигини келтириш мумкин.

Ушбу тадқиқотда жинорий статистика ва суд-тергов амалиётининг таҳлили асосида ушбу салбий ҳолатга жамиятдаги тарихан шаклланган ижтимоий муносабатлардаги хусусиятлар ва жамоада яратилган ижтимоий-психологик муҳитнинг таъсири чуқур ўрганилди.

Ўзбекистон ҳудудида илк давлат тузилмалари ташкил топганидан бошлаб миллий онгда ўзаро муносабатларни ўрнатиш ёки давлат амалдорлари билан бирор ишни битириш учун албатта «совға-салом» бериш керак, деган тушунча дунёнинг бошқа халқларида бўлгани каби бизда ҳам шаклланган. Сатирик адабиётда (Муқимий, Аваз Ўтар, Турди Фароғий) ва халқ мақолларида ҳам бу иллатга муносабат билдирилган.

Коррупцияга қарши курашда салмоқли муваффақиятларга эришган хорижий давлатлардан бири бу Сингапурдир. Қаттиқ қонунлар, давлат хизматчилари учун етарли маош, коррупцияга учраган амалдорларни жазолаш, коррупцияга қарши кураш агентлигининг самарали фаолияти, юқори мартабали раҳбарларнинг *шахсий намуна сифатида ҳамда йиллик даромадлари, харажатлари, мол-мулки ва қарзлари учун деколорация тўлдириши амалиёти бу давлатда коррупцияга қарши курашнинг самарали*

⁵ Бош прокуратуранинг собиқ 32-бошқармаси маълумотлари

омилларидан бўлганлиги таъкидланади.

Жанубий Кореяда асосий устуворлик давлат институтларини ислоҳ қилиш орқали *бюрократик тартиб-қоидаларни соддалаштиришга* қаратилган. Натижада ҳужжатларни расмийлаштириш, назорат, лицензиялаш ва бошқа давлат органларида фаолият юритувчи мансабдор шахслар билан бевосита мулоқот қилиш учун талаб қилинадиган рухсатлар сони камайди. Энг янги илмий ишланмалар ва технологиялар жорий этилиб, улар асосида коррупцияга қарши сиёсатнинг профилактик чора-тадбирлари такомиллаштирилмоқда, «Орен» коррупцияга қарши махсус платформа самарали фаолият кўрсатмоқда, унинг асосий вазифаси коррупцияга қарши кураш бўйича онлайн назоратдан иборат.

Коррупцияга қарши кураш АҚШда амалдорлар учун *иммунитетларнинг деярли йўқлиги* туфайли осонлашади. Ҳар қандай мансабдор шахс, жумладан, президент, конгрессменлар ва сенаторлар, ўз лавозимидан четлатилгандан сўнг, махсус тартибда бўлса ҳам, жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Грузиянинг коррупцияга қарши стратегияси асосини давлат хизматлари кўрсатишни (300 турдаги) «Ягона дарча» тамойилига ўтилганлиги, ички ишлар тизимидаги кескин ислоҳатлар, давлат хизматчилари учун етарли моаш белгилаш ва коррупцияни ёритиш ва таъкиб қилишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш каби ислоҳатлар ташкил қилган.

Коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро тажриба асосида муаллиф давлат хизматлари кўрсатишда бюрократик тартиб-қоидаларни соддалаштириш, «ягона дарча» тамойилини янада ривожлантириш, амалдорлар иммунитетларни бекор қилиш, амалдорлар ва уларнинг яқин қариндошлари учун ҳам йиллик даромадлар, харажатлар, мол-мулки ва кредитлар учун декларация тўлдириш амалиётини жорий этиш зарурлиги ҳақидаги таклифлар илгари сурилди.

Коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар Тошкент вилояти мисолида **қиёсий-статистик усул** ёрдамида ҳудудий таҳлил қилинди.

Криминоген вазиятни ўрганиш учун «ArcGis 10.3» геоинформацион тизими қўлланилди. Бу жараён дастурий таъминотда автоматлаштирилган тарзда бажарилганлиги учун кўп вақт олмайди ва исталган вақтда ойлик, йиллик кўрсаткичларни ўзгартириш орқали маълумотлар банки ва ишланган карталарни янгилаш, жиноятни зоналаштириш мумкин бўлади.

Коррупцион йўналишдаги латент жиноятларнинг ҳудудий кўламини аниқлаш учун Тошкент вилоятининг маъмурий бирликлардаги коррупцион, латент ва сунъий латент жиноят кўрсаткичлари беш балли шкала билан баҳоланиб, умумий интеграл баҳо бўйича якуний кўрсаткичлар топилди. Бунда коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар бўйича энг юқори рейтинг балидан (Ангрен шаҳри 15 балл) энг кичик рейтинг бали (Оқкўрғон тумани 4 балл) айрилаб, таклиф этилган гуруҳлар сонига (5) бўлинади, бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$U_{\text{ypt.}} = \frac{J_{\text{max}} - J_{\text{min}}}{5}; (3)$$

Бу ерда,

$U_{\text{ўрт}}$ - ўртача арифметик қиймат; J_{max} - коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар бўйича энг юқори рейтинг бали; J_{min} - коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар бўйича энг паст рейтинг бали; 5-ажратилаётган гуруҳлар сони.

Вилоятнинг коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар миқдори бўйича энг юқори ва юқори кўрсаткичлар Ангрэн, Олмалиқ, шаҳарлари, Зангиота ва Бўстонлик туманларига тўғри келади. Вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори ва унга тенг бирликларга Чирчиқ, Бекобод шаҳарлари Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Тошкент туманлари киради. Вилоятнинг қолган 12 та туман ва шаҳарларида бу кўрсаткичнинг пастлиги кузатилади.

Таҳлиллар асосида мазкур турдаги жиноятлар кўламини ортишига олиб келувчи куйидаги омилларни санаб ўтиш мумкин:

1. Маъмурий бирликдаги аҳоли зичлиги ва урбанизация даражасининг юқорилиги, ушбу кўрсаткичлар юқоридаги шаҳар ва туманларда вилоят ўртача кўрсаткичидан 3-5 баробар юқори;

2. Туристик-рекреацион ҳудудларда (Бўстонлик) ер ва ер участкалари олди-сотди жараёнлари, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, хизмат кўрсатиш, ресурслардан фойдаланиш соҳасига турли руҳсатномалар олиш билан боғлиқ жараёнлар ва транспорт оқимининг бошқа маъмурий бирликларга нисбатан кўплиги;

3. Маъмурий бирликларнинг йирик шаҳарларга (Тошкентга) яқинлиги, марказий ўринни эгаллаши, уларда савдо ва хизмат кўрсатиш инфраструктурасини жадал ривожланганлиги (Зангиота, Тошкент, Қибрай туманлари);

4. Маъмурий бошқарув идоралари, республика ва вилоят миқёсидаги ишлаб чиқариш корхоналари, йирик соғлиқни сақлаш ва олий таълим муассасаларининг мавжудлиги (Қибрай, Юқори Чирчиқ туманлари, Ангрэн, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари).

Жиноятларнинг латентлик даражасини ортишида юқоридаги омилларга қўшимча равишда баъзи бир ўзига хос омиллар ҳам борлиги аниқланди, жумладан:

– маъмурий бирликнинг жойлашган ўрни (марказий, провинция, периферия, чегара ҳудудларда жойлашганлиги) ва ҳудудининг катталиги жиноят ҳақидаги хабарни ўз вақтида тегишли органларга беришни қийинлаштиради;

– периферия ва чегара ҳудудлардаги қишлоқ аҳолисида шаклланган ижтимоий-психологик муҳит таъсирида аҳоли жиноят ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ишонмаслик, хабар бермаслик, муаммони ички ишларни аралашувисиз ҳал этишга интилишлари кузатилади.

Бу усул жиноят турларини маъмурий бирликдаги кўламини ўлчаш, ҳудудий тарқалиши қонуниятларини билиш, уларни барвақт аниқлаш ва уларга қарши курашишда куч ва воситаларни тўғри режалаштириш, зарур ҳолларда қайта тақсимлашда катта амалий аҳамият касб этади.

Навбатдаги босқичда расмий статистик кўрсаткичлар асосида олиб

борилган баҳолаш натижалари худуднинг ижтимоий-иқтисодий типологиясини эътиборга олувчи **маъмурий аналогия усулидан фойдаланиб** текширилади. Агар социал-иқтисодий кўрсаткичлари бири-бирига яқин бўлган маъмурий бирликлардан бирида жиноятчилик кўрсаткичлари кескин пасайган, аномал ҳолат кузатилса, бу бирликлар ўзаро солиштирилади. Бунда бир номаълум қатнашган тенгламадан фойдаланиш мумкин. Яъни,

$$A_1 - Ж_1 = A_2 - Ж_2(X_1); (2)$$

Бу ерда, A_1 – 1-туман аҳолиси сони, $Ж_1$ – 1-туманда рўйхатга олинган жиноятлар сони, A_2 – 2-туман аҳолиси сони, $Ж_2$ – 2-туманда рўйхатга олинган жиноятлар сони.

Масалан, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, аҳоли сони ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ўхшаш бўлган Юқори Чирчиқ ва Чиноз туманларининг 2020 йилдаги қийматлари бўйича таҳлил ўтказилди. Чиноз тумани аҳолиси 134.053 киши, туманда содир этилган жиноятлар сони эса 325 тани, Юқори Чирчиқ тумани аҳолиси сони 135.858 кишини, расмий статистика бўйича жиноятлар сони 313 тани ташкил этган. Юқори Чирчиқ туманидаги рўйхатга олинган кўрсаткични текшириш учун уни X деб оламиз, Шунда,

$$Ж_2(X) = \frac{Ж_1 * A_2}{A_1}; (3)$$

Бу ерда, $Ж_2$ – Юқори Чирчиқ туманидаги жиноятлар сони, $Ж_1$ – Чиноз туманида рўйхатга олинган жиноятлар сони, A_2 – Юқори Чирчиқ тумани аҳоли сони, A_1 – Чиноз тумани аҳолиси сони.

Кўрсаткичларни формулага қўйиш натижасида қуйидаги қиймат ҳосил қилинади:

$$Ж_2(x) = \frac{325 * 135858}{134053} = 329;$$

Демак, расмий статистик кўрсаткич билан орадаги фарқ «+16» га тенг. Агар Юқори Чирчиқ туманини жойлашган ўрнига ҳам (йирик мегаполисга яқинлиги) жиноят кўпроқ бўлиши мумкин бўлган омилни эътиборга олсак, туманда латент жиноятлар мавжуд деган хулоса чиқариш мумкин.

Мазкур аналогия усулидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таҳлилий бўлимлари, жумладан, прокуратура органларида туман ва шаҳарлардаги коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни ҳақиқий миқдорини аниқлашда фойдаланиш таклиф этилган. Шунингдек, бу усул коррупцион жиноятлар ҳақида ёлғон ахборот тарқатишни олдини олади, фақат ҳаққоний, ишонарли, эҳтимолий хатолар кам бўлган, аниқ фактларга эга бўлган холда маълумотларни тарқатиш имкониятини яратади.

«Коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар даражасини пасайтириш бўйича чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш» номли учинчи боби жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитни коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар кўламига таъсири ва уни камайтириш йўналишларига бағишланади.

Жамоада яратилган ижтимоий-психологик муҳитнинг коррупцион

йўналишдаги латент жиноятчилик кўламига таъсири Тошкент вилоятидаги 4 та олий таълим муассасасида, (ОТМ) «Водий»автотураргохи ва Оққўрғон, Бўстонлик тумани, Олмалиқ шаҳри тадбиркорлари билан ўтказилган кузатишлар, сўровномалар орқали ўрганилди. Саволлар таҳлили ўрганилаётган жамоада коррупцияни даражасини, у яширин ҳолда пинҳона, илтимосчиларга тамагирлик қилиш даражасидами ёки оммавий тарзда ҳамма учун одатий ҳолга айланганлигини аниқлаш имкониятини берадиган ҳолда тузилди. Мисол учун «Сиз таълим олаётган олийгоҳда раҳбарият (ректор, проректорлар, декан ва кафедра мудирлари) иштирокида коррупцияни олдини олиш бўйича тадбирлар (йиғилиш, давра суҳбатлари ва б.) ўтказиладими?» деган саволга сўровномада қатнашган Ўзбекистон аграр университети битирувчи курс талабаларининг 15% ўтказилмаган деган жавобни берган. Ушбу саволга Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти талабаларининг 10%, Ўзбекистон жисмоний тарбия университети талабаларининг 12,1%, Тошкент техника университети Олмалиқ филиали талабаларининг 14,1 % юқоридаги жавобни айтганлар.

Ўқиш вақтида оралиқ ва якуний назоратларда профессор – «Ўқитувчилар томонидан тамагирлик ҳолатларига дуч келганмисиз?» деган саволга Ўзбекистон аграр университети битирувчи курс талабаларининг 11%, Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти талабаларининг 7,6 %, Ўзбекистон жисмоний тарбия университети талабаларининг 5,1%, Тошкент техника университети Олмалиқ филиали талабаларининг 6,1 % фоизи ха, барча назоратларда деган жавобни берган.

Юқоридаги каби сўровномалар таҳлили асосида жамоадаги ижтимоий–психологик муҳитни коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар кўламига таъсири ва уни олдини олишга қаратилган қуйидаги фикрлар айтилди:

1. Жамоа раҳбариятининг коррупцияга муносабати унда мазкур иллатни қандай даражада илдиз отиш кўламини белгилайди. Агар раҳбариятнинг коррупцияга нисбатан бефарқлиги ёки унга мойиллиги бўлса, бу бутун жамоада уни илдиз отишига, бу ҳолатни оддий турмуш тарзига айланишига сабаб бўлади.

2. Раҳбарларнинг коррупцияга мурасасиз бўлиши, унинг ҳар қандай кўринишларига қарши аёвсиз кураш олиб бориши ва бу ҳақидаги ўз қарашларини жамоада, турли тадбирларда, ОАВдаги чиқишларида баралла айтиши, бу иллатга қарши тадбирларда (йиғилиш, давра суҳбатлари, мураббийлик соатлар ва б.) тушунтириш ишларини олиб боришлари жамоада соғлом муҳитни юзага келтиради.

3. Юқоридаги соғлом ижтимоий-психологик муҳитни сақлаб қолиш учун меҳнат жамоаларида ошкораликни таъминлаш, ташкилий жиҳатидан ҳам баъзи ўзгаришларни амалга ошириш зарурлиги аниқланди. Жумладан, ўрганишлар олиб борилган олийгоҳларда талабаларни курсдан курсга ўтказиш, қарздорликни бартараф этиш механизмини такомиллаштириш, (кредит-модул тизимини тўлиқ электронлашган НЕМИС ахборот тизимига ўтказиш.); вилоятдаги ОТМ ларда ишга қабул қилиш жараёнида бошқа таълим муассасаларидан салбий тавсифнома билан ишдан бўшатишган, ҳатто

фирибгарлик билан судланган ходимларни «илмий салоҳият»ни кўтариш баҳонаси билан ишга қабул қилиш ҳолатларига бутунлай барҳам бериш.

4. Олий таълим тизимида содир этилаётган коррупцион жиноятларни латентлик даражасини ҳам, юқоридаги, бу муаммога раҳбарнинг муносабати белгилаб бериши ёки таъсир ўтказиши мумкин. Биринчи босқич талабалари носоғлом муҳит шаклланган жамоада олийгоҳни битириб кетишига турли тўсиқлар бўлишидан кўрқиб, кўп ҳолларда синовларни муваффақиятли топширишларига ишонсаларда, жамоадан ажралиб қолмаслик, тинчроқ юриш учун айтилган «хизмат»ларни бажаришга (кераксиз китобларни сотиб олишга ёки «устоз»ни турли топшириқларини бажаришга мажбур бўлади. Ачинарлиси, бу талабалар ушбу ҳолатни олийгоҳни битирганларидан, маълум муддат ўтгандан сўнг ошкор қиладилар.

Тошкент вилояти туманларидаги такси ҳайдовчилари ва тадбиркорлар билан ана шундай социологик сўров ўтказилди. Сўровномалар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳар қандай жамоада (автокорхоналар, ҳокимликлар) раҳбарнинг коррупцияга муносабати жамоада унинг кўламини белгилайди.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкин, коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар билан фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёрдамида курашиш кутилган натижани бермайди, бу ерда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини кўтариш ва жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитни яхшилаш бўйича ишлар олиб бориш зарур. Фош этилган жиноятларни ОАВ ёрдамида, кенг жамоатчиликни жалб этиб муҳокама қилиш, очик суд мажлисларини албатта шу жамоада ўтказиш амалиётини жорий этиш жамоада ижтимоий-психологик муҳитнинг соғломлаштиришнинг самарали усулларида бири сифатида таклиф этилди.

Коррупцион йўналишдаги латент жиноятлар даражасини минималлаштириш мураккаб жараён бўлиб, бир вақтни ўзида коррупцияга ва латент жиноятларга оид муаммоларни бартараф этиш орқали амалга оширилади. Республикамиздаги ҳолат ва хорижий тажрибани ўрганиш орқали юқоридаги муаммоларни босқичма босқич ҳал этишни таъминлайдиган йўналишлар белгиланди ва шу асосда таклифлар ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА

Коррупцион йўналишдаги латент жиноятларни фош этиш усулларини такомиллаштириш мавзусидаги диссертация тадқиқоти натижалари асосида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий таклиф ва хулосалар:

1. Мамлакатимизда «латент жиноятчилик» фанда нисбатан кам ўрганилган йўналишларидан бири ҳисобланади ва бу турдаги жиноятларни қуйидагича тавсифлаш мумкин «муайян давлатнинг ваколатли органларига маълум бўлмаган, маълум бўлсада ғаразли мақсадда рўйхатдан яширилган, илгари рўйхатга олинмаган ёки рўйхатга олинсада, нотўғри квалификация қилиш натижасида жиноят деб топилмаган, жиноят таркибининг барча

аломатлари мавжуд бўлган ижтимоий хавfli қилмишга латент жиноят» дейилади. Латент жиноятларнинг асосий белгиси уларнинг рўйхатга олинмаганлиги, яширин табиатидир. Демак, жамиятда содир этилган жами жиноятларнинг рўйхатга олинмаган қисмига латент жиноят сифатида қараш мумкин.

2. Латент жиноятлар тоифаси бўйича таснифланганда энг катта тоифани коррупцион йўналишидаги жиноятлар ташкил этади. Уларга «муайян ҳудудий бирлик доирасида, мансабдор шахс томонидан ўз мансаб мавқеи ва унга ишониб топширилган ҳуқуқлардан бевосита шахсий бойлик орттириш учун фойдаланиб содир этилган жиноятлар рўйхатга олинмаган ёки рўйхатга олинган бўлсада, нотўғри ҳуқуқий баҳо бериш натижасида жиноят деб топилмаган қисми»деб таъриф бериш мумкин. Бу жиноятлар ўзаро мураса асосида, барча иштирокчилар учун манфаатли «келишув» шаклида амалга оширилиши, томонларни жиноятнинг фош этилмаслигидан ёки ҳеч бўлмаса маълум муддатгача (талабалар, ҳайдовчилар, тадбиркорлар) фош этилмаслигидан манфаатдорлиги, юқори лавозимларни эгаллаган уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилиши уларнинг латентлик даражасини юқори (90 фоизгача) бўлишига сабаб бўлади.

